

Санъат жуда қадим замонларда, инсон ўзини-ўзи таниган, инсонийлигини англай бошлаган пайтларда қоришиқ холда юзага келган. Ракс, мусика, бадиий сўз, ёзув келиб чиққунгача бўлган даврдаги қадимги санъат ўзаро бирликда намоён бўлган. Бу қоришиқ фан ва санъатда синкретизм (қўшилган) деб аталади. Синкретик санъатда инсон меҳнатининг тараккиёти, унда ритмнинг муҳим ўрин тутиши ҳаётда турли соҳалар-нинг вужудга келиши, хис-туйғулар оламининг кенгайиши ва тафаккур ривожини билан боглик ҳолда турли ўзгаришлар содир бўлган. Натижада, санъатнинг бир қанча шакллари, турлари ва жанрлари майдонга келган. Улар орасидаги энг қадимий шакллардан бири поэзия, яъни сўз санъати ҳисобланади. Санъат турлари, одатда, воқелиқни қай қаражада, қай тарзда акс эттиришига, ифодавий воситаларига ва бошқа хусуси-ятларига қараб бир-биридан фарқланади. Жумладан, мусика воқелиқни физик товушлар ёрдамида акс эт-тирса, тасвирий санъат бўёқдор, турли ранглар билан, рақс санъати гўзал ҳаракатлар воситасида гавдалантира-ди. Поэзия эса, санъатнинг олий тури бўлиб, «эркин инсон сўзида ифодаланади, сўз эса ҳам нутқ товуши, ҳам манзара, ҳам аниқ ва равшан айтилган тасаввурдир». Шунинг учун поэзия бошқа санъатларнинг ҳамма унсурларини ўз ичига олади, бўлак санъатларнинг ҳар бирига айрим равишда берилган ҳамма воситалардан бирварақай ва тўла суратда фойдаланади. Поэзия, яъни сўз воситасида ҳосил этилган адабий ижод қадимги замонларда оғзақи шаклда вужудга келган. Кейинчалик унинг ҳам турли хиллари, кўринишлари пайдо бўлган. Ёзувнинг вужудга келиши билан боглик ҳолда эса, поэзия асарлари халқ оғзақи ижоди-дан фарқли равишда, муайян тургун шакллар касб этган, бир-биридан аниқ фарқланувчи адабий тур ва жанрларга ажратилган.

Адабиёт, одатда, узок даврлардан бери эпос, лирика ва драма сингари уч адабий турга бўлинади. Булар ҳаётнинг қайси томонига кўпроқ эътибор бериши ва қай тарзда акс эттиришига қараб бир-биридан фарқланади. Эпос, Гегель айтганидек, «объективликни ўз объект ҳолида» кўрсатади, лирика «субъективликни ўз объект ҳолида» кўрсатади, лирика «субъективликни, ички дунёни» акс эттиради, драма эса, «шундай баён усули» дирки, унда «объективлик акси» билан «шахснинг ички дунёси бирлашади». Соддароқ қилиб айтганда, эпосда ёзувчини қуршаган ташқи дунё ва ундаги воқеа-ҳодисалар, лирикада лирик қаҳрамондаги шахсий хис-туйғулар, ўй-фикрлар, драмада ёзувчи иштирокисиз бўлган ҳаракатлар, ўзаро муносабатлар етакчи ўринда туради.

Сўз санъати аввал поэзияда, яъни эпос ва лирикада, кейинчалик уларнинг синтези бўлган драмада ри-вожланиб келган.

Адабиёт тажрибасида маъмур уч тасвир усули ўзаро қатишиб кетган ҳоллар, уларнинг турли-туман кўринишларида қўлланган пайтлари учрашига қарамай, бу турларга ҳос асосий қоидалар минг йиллар давомида сақланиб келмоқда. Адабиётнинг тасвирий усулларидаги бундай тургунлик шу билан изоҳланадики, аввало, учала асосий адабий тур воқелиқ қонуниятларини ҳаққоний акс эттириш имқониятларига эга, иккинчидан, улар бадиий адабиётнинг табиати ва вазифаларига тўлиқ мўе келади.

Қишилар муайян ижтимоий шароитлар билан боглик ҳолда яшайдилар, ўз қиёфаларини

хис-туйгуларда, ўй-фикрларда, хатти-харакатларда намоён киладилар, бошка шахслар, жамият ва табиат билан муносабатга киришадилар. Адабиётнинг уч асосий тури инсон ҳаёти, фаолияти ва онгининг мана шу кирраларини кенг микёсда камраб олиш имкониятига эга. Эпос, лирика ва драма ўзаро биргаликда инсон ҳаёти ва онгини тўлик ҳамда чуқур акс эттиришда битмас-туганмас имкониятларга эгадир. Улар халқ ҳаётида бутун бир даврни ташкил этувчи мураккаб ижтимоий жараёнлардан тортиб, «Илиада» достони, «Гамлет» фожиаси ҳам «Уруш ва тинчлик», «Тинч Дон» ва «Улуг йўл» (романлари)-даги каби инсон калбидаги муайян бир туйғунинг ўзини (Навоийнинг «Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулру келмади» деб бошланувчи газалидаги, Уйғуннинг «Тонгги бўса» шеъридаги каби) умумлаштирилган ҳолда камраб олиш кудратига эгадир.

Тасвир усуллари ёки турлари бевосита адабий асар шакли ҳисобланмайди. Улар ўзида воқеликни акс эттиришнинг умумий қоидаларини мужассамлаштиради. Бу қоидалар адабиёт тараккиёти жараёнида юзага келувчи кўплаб эпик, лирик ва драматик шаклларда аниқ тарзда қўлланади, эпик тасвир эпопеяда ҳам, масал, баллада, поэмада ҳам, очерк, хикоя, повесть, романда ҳам, бадиий мемуарларда ҳам қўлланиб келади. Лирик тасвир газал, рубоий, касида, ода, элегия, марсия, кўшиқ, эпиграмма каби шеърий асарларда кенг ўрин тутаяди.

Драматик тасвир қоидалари эса трагедия, комедия, драма (тор маънода), водевиль, интермедия сингари жанрларда ёркин намоён бўлади.

Бундан ташқари, адабиётнинг ҳар бир турига мансуб шакллар ўз навбатида, ривожланиш жараёнида муайян гуруҳларга, кўринишларга бўлинган; роман жанр-рининг ижтимоий-маънавий, оилавий-маиший, фалсафий, сатирик, илмий-фантастик, тарихий шакллари ва бошка кўплаб ўзига хос кўринишлари мавжуд. Шулар асосида адабиёт назариясида бадиий асарлар адабий тур, жанр ва уларнинг кўринишларига бўлинади. Бу тушунчаларни адабиётшуносликда турли маънода, яъни бир-бири билан алмаштириб қўллаш ҳоллари кўп учрайди. Баъзи адабиётшунослар адабий «тур» тушунчаси ўрнида «жинс» (рус тилидаги «род литературный») тушунчасини, «жанр кўриниши» ўрнида «жанр» тушунчаларини қўллайди.

Ҳар ҳолда адабиётдаги эпик, лирик, драматик усулларни адабий тур ва мазкур адабий турлар доирасидаги шаклларни (роман, комедия, поэма кабиларни) жанр ҳамда шу жанрларнинг айрим хилларини (тарихий роман, сатирик хикоя, лирик поэма, фантастик роман кабиларни) уларнинг кўринишлари деб аташ анча кенг ёйилган ва у мақсадга мувофиқ қоидадир. Эпик, лирик, драматик асарлар, адабий тур ва жанрларнинг кўплиги ҳамда турли-туманлиги кишиларнинг гоёвий-маърифий эҳтиёжлари, талаблари ортиб, ривожланиб, ранг-баранглашиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Бирок бадиий асарнинг у ёки бу адабий тур ва жанрида халқ килувчи вазифани тасвир манбаи (предмети) ўтайди. Драматург Максуд Шайхзода буюк ўзбек олими Улугбек ҳаётининг фожиага тўлик сўнги даврини сахнада гавдалантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У ўз ниятининг юзага чиқиши учун энг мувофиқ драматик шакл сифатида трагедия жанрини танлайди. Улугбекнинг фожий характери шуни такозо этади.

Демак, барча бадиий шакл унсурлари каби адабий тур ва жанрлар ҳам асар мазмунини чуқурроқ очиш, тўлиқроқ ифодалаш воситаларидандир. Аммо бу масалани кўпол тарзда бир ёқдама тушуниш нотўғри бўлади. Ёзувчининг у ёки бу адабий тур ва жанрни танлаши кўп жihatдан унинг махоратига, қобилиятига, истеъдодининг ўзига хос томонларига ҳам боғлиқ экан-лигини унутмаслик лозим.

Кўпинча ёзувчи иктидори, махорати бир ёки бир неча адабий тур ва жанрларда ёркинрок намоён бўлади. Хамид Олимжон шеър ва поэмалар билан бир каторда очерк, хикоя ҳамда драмалар ҳам ёзган. Лекин у ўзининг энг асосий ижодий максадларини назмда, яъни шеър ва поэмаларда тўликрок юзага чиқарган ҳамда шу жанрларда энг катта муваффакиятларга эришган. Абдулла Каххрр ижодининг бошларида хикоялар билан бир каторда шеърлар ҳам ёзган; у кейинчалик ўзида наср ва драматургия соҳасида ижод қилишга кўпроқ мойиллик сезган, хаётининг охиригача мазкур адабий тур ва жанрларда асарлар ёзиб, жиддий ютук-ларга эришган. Ёзувчи Ойбек кўплаб шеър ва поэмалар битган бўлса-да, унинг истеъдоди романчилик соҳаси-да янада ёркинрок намоён бўлган, улкан самаралар берган.

Бадиий асарнинг адабий тур ёки жанри унинг мазмунига мослиги хақида фикр юритганда, у ё бу жанр фақат муайян мазмуннигина ифодалашга мувофиқ бўлар экан, деган хулоса чиқармаслик лозим. Бир адабий тур ёки жанрнинг ўзи хар хил гоёвий йўналишдаги ёзувчилар томонидан турли-туман мазмунни ифодалаш максадига бўйсундирилган холлар ҳам кўп учрайди.

Ёзувчи ижодининг гоёвий-бадиий хусусиятлари унинг асарларидаги адабий тур ва жанрларнинг ўзига хошлигини юзага келтиради. Бирок бу ўзига хошлик санъаткорнинг муайян жанр соҳасида халқнинг бадиий ижод хазинасида асарлар давомида мавжуд бўлган поэтик тасвир воситаларидан ижодий фойдаланишига тўсқинлик қилмайди. Санъатнинг кўплаб тармоқларга ва айниқса, адабиётнинг уч адабий турга бўлиниши узок тарихий тараккиёт натижасида содир бўлган. Бадиий ижод тараккиёти барча халқларда бир хил изчилликда давом этмаган ва шу тўғрисида хусусияти ҳам айнан бир хил бўлмаган. Ижтимоий муносабатларнинг ўзига хошлиги, хаёт тарзининг турли-туманлиги билан боғлиқ холда турли халқ ва миллатлар адабиёти тараккиёти ўзига хос тарзда давом этган.

Олимлар қадимги юнонларда поэзиянинг адабий турлари муайян изчил тартибда юзага келганлигини таъкидлаш билан бир каторда, бошқа халқлар адабиётида ҳам бевосита худди шундай изчиллик бўлган деб тасаввур қилиш нотўғри эканлигини алоҳида уқтирган эдилар.

Алоҳида бир халқ адабиётида адабий тур ва жанрларнинг тугилиши ҳамда ривожини миллий ва эстетик тараккиёти эҳтиёжлари билан боғлиқ холда содир бўла-ди. У ё бу мамлакатдаги ижтимоий тараккиётнинг миллий ва тарихий жихатдан ўзига хошлиги адабий тур ва жанрлар соҳасида ҳам кўзга ташланади.

Демак, айрим адабий асарларнинг миллий ва тарихий ўзига хошлиги уларнинг жанр хусусиятларида ҳам кўринади. Шу сабабли муайян адабиёт намуналари-нинг адабий тур ва жанр хусусиятлари таҳдил қилинганда, ходисанинг такрорланмас мураккаблиги ва аниқ шароит ҳисобга олиниши лозим.

Адабий тур ва жанрлар тўғрисида айтилганлар уларнинг тарихий тараккиётига хос қуйидаги умумий, объектив қонуниятни келтириб чиқариш имконини беради: адабий тур ва жанрларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ўзгариб бориши ижтимоий эҳтиёжларга ҳамда кишиларнинг қундалиқ маънавий талаблари, манфаатларига мувофиқ холда юз беради. Муайян жанрнинг бир даврда улкан аҳамият касб этиб, бошқа

замонларда бу кадар ахамиятсиз бўлиб қолиши шу қонуният билан изоҳланади.

Адабий турлар қахрамонларни тасвирлаш усулидир. Лирикада лирик қахрамон образи ҳосил этилади. Шу билан бирга, унда лирик персонажлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳаёт, дунё лирик қахрамон орқали акс этади. Эпосда ёзувчи одамларни ҳолис, ташқаридан туриб, объектив равишда тасвирлайди. Унинг қахрамони эпикдир; драмада ёзувчи ўзини четга олади (факат қавс ичида «ремарка» деб аталувчи баъзи изоҳларни ҳавола қилади, ҳолос); Ҳаёт одамлар мунозараси тарзида намоён бўлиб, қахрамони драматикдир, яъни драматик-дир, воқеа Ҳаётда қандай бўлса, ўшандай қўринади.

Предмет жиҳатидан қараганда, лирикада дунё шоирнинг руҳияти, ички олами ва онгидан ўтиб, ўй, ҳис-туйғу, ҳаяжон, фикр, ички дунё ҳам қечинма тарзида инъикос этади; эпос қенг, батафсил, ҳар томонлама тасвирдир, бу тасвир воқеа тасвиридир; драмада ирода, бирон мақсад, феъл-атвор ва бирон фаолият-дан қелиб чиқувчи фаол ҳаракат ҳукмрондир.

Конфликт жиҳатидан қараганда, лирика конфликт лирикдир, руҳийдир, яъни ҳис-туйғу ва фикрлар зиддиятига суянади, рад қилиш ёки тасдиқлаш орқали ҳал бўлади; эпос конфликт эпикдир, яъни персонажларнинг ташқи қарама-қаршилиги ва очик қура-шига таянади, бироқ образларга характеристика, лирик чекиниш, портрет, пейзаж туйғули секин ривожланади; драмада конфликт драматикдир, яъни жиддий ва қескиндир, бу ҳол ҳаракатни тезлаштиради ва тез-қор ҳаракатга суянади.

Лирика сюжети лирикдир, яъни у ҳис-туйғу, қўнгил ва қалб сирлари, ҳаяжон, эҳтирос, руҳият, қечинма, фикр ривожини қўрсатади, унда воқеа ривожини йўқ; эпос сюжети бунинг тесқарисидир, яъни воқеа ривожидир, эпикдир, боши ва охирига эга бўлган ҳодиса-дир, яхлит ва тугалдир ва унда экспозиция, тугун, воқеа ривожини, қўлминация, ечим аниқ қўришиб туради; драма сюжети драматикдир, воқеа унда тез ўсиб боради, бу ҳол ҳаракатларнинг ўткир зиддиятли, Ҳаёт-мамот қураши ва қатъий ҳаракатларида шаклланади. Вақт, замон жиҳатидан лирикада ҳамма даврлар оний қечинма шаклини олади, воқеа вазият ҳудди ҳозир юз бераётгандай ҳис қилинади; эпосда тасвир ҳудди бўлиб ўтган воқеа тусини олади; драмада бўлиб ўтган воқеа сахнада гўё ҳозир юз бераётгандай туюлади.

Тил жиҳатидан қаралса, воқеа, факт ва вазият, лаҳза «мен» тилидан баён қилинади, субъектнинг фикри, сўзи, гапи тарзига қиради; чунки лирикада субъект ва унинг қарашлари ҳукмрон.

Эпос объективлик салтанати, бу салтанат ишлари муаллиф нутқи орқали ҳолис ҳикояланади; драмада муаллиф нутқи йўқ, воқеа, Ҳаёт диалог шаклида аён бўлади, диалоглар эса асосан зиддиятли, фикрий «дуэль», даҳанаки «жанг» қиёфасида зухур этади, бунда ҳаракатлар ёркинлашади.

Ҳажм жиҳатидан қаралса, лирика, лирик шеър ҳик-матдир, яъни диний ва имонли ҳис-туйғу жуда қиска баён этилган мустақил асардир, у бир байтли, ё бир бандли, ё бир неча бандли бўлиши мумкин, лирик шеър қанча қўзилса, шунча совуқдир, зерикардидир; эпосдаги энг қиска жанр ҳикоядир, повесть эса бир неча ҳикояга тенгдир, роман эса бир неча повестнинг қатишиб қетишидир. Драма асоси томоша ва сахнадир, томоша эса узоғи билан 2 ё 3 соатга мўлжалланади, акс қолда, томошабин қарчайди, зерикади,

сахнадан чикиб кетиши хам мумкин.

Адабий турларнинг умумий ва ўзига хос томонлари бор, умумий томонлари қахрамон образини ҳосил қилиш усули эканлиги, ижтимоий онгни ифода этиши, тарбиявий, маърифий ва эстетик аҳамиятга эгаллигидир; ўзига хос томонлари тўғрисида эса юкорида тўхтаб ўтдик, яъни воқеа лирикада хис этилади, эпосда тасвирланади, драмада кўрсатилади; эпосда воқеа, драмада инсон ҳукмрон, лирикада хиссиёт кетидаги оҳорли фикр (хикмат) яққа ҳокимдир.

Мазкур қонуният асосида адабиёт тараккиётини тарихий жихатдан таҳлил қилиб чиқиш ниҳоятда мураккаб ва улкан иш. Шу сабабли, бу ўринда асосий адабий турлар, жанрлар ва уларнинг кўринишларини назарий жихатдан кўриб ўтиш муҳимдир.

Эркин Худайбердиев